

**“ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ” АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИНING
БАЁНИ**

2021 йил «31» март

Тошкент ш.
соат 16 -00.

Ўтказилган жойи:

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
Юнусобод 3 мавзеси 1 уй.

Қатнашдилар:

Кузатув кенгаши аъзолари:

М.М.Абдурахманов	- “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош директори,
Л.Т.Акбарходжаев	-“Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош директори ўринбосари,
Ж.М.Тошхўжаев	- “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош директори ўринбосари,
Н.В.Талипджанов	- “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи
Т.Камолов	- “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси
Ф.Ф.Тулаганов	- акциядор
Н.Халилова	- Акциядор

Мажлисга таклиф этилганлар

О.Р.Джумаев	Жамият директори в.б
М.М.Мавлянова	Жамият бош ҳисобчиси
Э.Кучаров	Котиб

Мажлисида Кенгаш аъзолари барчаси қатнашмоқда, мажлис ўтказилиш ҳуқуқига эга.

Мажлисга М.М.Абдурахманов раислик қилди.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

1. *Жамият Кузатув кенгаши раисини сайлаш.*
2. *Жамият ижро органи раҳбарини сайлаш тўғрисида*

Мажлис раиси М.М.Абдурахманов мажлисни очик деб эълон қилиб, кун тартибидаги масалалар билан мажлис иштирокчиларини таништирди.

Кун тартибига киритилган **биринчи** масала юзасидан кенгаш аъзоси Н.В.Талипджанов сўзга чиқиб, “Юнусобод деҳқон бозори” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 30 март куни навбатдаги акциядорларининг умумий йиғилишида Кузатув кенгаши таркиби кейинги муддатга қисман ўзгартиришлар киритилган ҳолда сайланганлиги сабабли жамият кузатув кенгашининг раисини сайлаб олиш лозимлигини айтди ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг бош директори Абдурахманов Музаффар Мирзарахимовични жамият Кузатув кенгаши раиси этиб сайлаш таклифини киритди.

Кенгаш аъзолари томонидан бошқа таклиф ва эътирозлар бўлмаганлиги сабабли, ушбу масала овозга қўйилди.

Рози « 100 » овоз, Қарши « — » овоз, Бетараф « — » овоз.

Кун тартибидаги **иккинчи** масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси Т.К.Камолов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил молиявий фаолияти якуни бўйича 2021 йил 30 мартда утказиладиган жамият акциядорларининг умумий йиғилишига жамият

директори в.б бажарувчи О.Р.Джумаевнинг номзоди директорлигига киритилганлигини, лекин етарли рози овозлар бўлмаганлиги сабабли тасдиқланмаганлигини айтиб ўтди ва жамиятга раҳбар сайлаб олиш лозимлигини билдирди.

Кенгаш аъзолари жамиятнинг олдига қўйилган режаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида бугунги кунда жамият раҳбари в.б бўлиб ишлаб турган О.Р.Джумаевни жамият директори в.б этиб сайланишини тасдиқлашди.

Кенгаш аъзолари томонидан бошқа таклиф ва эътирозлар бўлмаганлиги сабабли, ушбу масала овозга қўйилди.

Рози « 100 » овоз, Қарши « — » овоз, Бетараф « — » овоз.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

1. “Юнусобод деҳқон бозори” АЖ Кузатов кенгашининг раиси этиб, Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович сайлансин.

2. Жамият акциядорларининг 2021 йил 30 мартда ўтказилган умумий йиғилишида жамият директорлигига кўрсатилган номзодлар етарли овозга эга бўлмаганлиги сабабли тасдиқланмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2021 йил 30 мартдан бошлаб, жамият директори в.б этиб, Джумаев Отабек Равшанович тайинлансин.

4. Жамият Кузатов кенгаши билан жамият директори в.б Джумаев Отабек Равшанович ўртасида меҳнат шарномаси имзолансин ва унга жамият штат жадвалига мувофиқ ойлик тайинлансин.

5. О.Р.Джумаевга жамият ишини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 августдаги 253-сонли қарори талабларига мувофиқ юритиш вазифаси юклатилсин.

МАЖЛИС РАИСИ

Абду

М.Абдурахманов

Котиб

Равшан

Э.Кучаров

Кузатов Кенгаши аъзолари:

Л.Т.Акбарходжаев

Ж.М.Тошхўжаев

Н.В.Талипджанов

Ф.Ф.Тулаганов

Т.К.Камолов

Н.Б.Халилова